



ТИМИ
ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕР КАДАСТРИ ФАКУЛЬТЕТИ
«ГЕОДЕЗИЯ ВА ЕР КАДАСТРИ» КАФЕДРАСИ

«ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ» фанидан
МАЪРУЗА




Мавзу: Фойдали қазилма конлари кадастрининг вазифалари ва
юретиш тартиби.



Тошкент - 2014


РЕЖА:



- ✦ **Фойдали қазилмаларнинг пайдо бўлиши**
- ✦ **Ўзбекистон Республикасида фойдали қазилмалар кадастрини юритиш тартиби**
- ✦ **Фойдали қазилмалар давлат кадастрининг асосий вазифалари**
- ✦ **Фойдали қазилмалар давлат кадастрини юритиш тамойиллари**



Фойдали қазилмаларнинг пайдо бўлиши




- ❖ Минерал ресурслар деганда халқ хўжалигида кенг ишлатиладиган турли қазилма бойлиқлар тушунилади.
- ❖ Қазилма бойлиқлар халқ хўжалигида ишлатилишига қараб:
- ❖ ёнувчи фойдали қазилмалар - кўмир, нефть, газ;
- ❖ металл фойдали қазилмалар - турли рудалар; металл булмаган фойдали қазилмалар – тоғ кимё хом ашёлари, оловга чидамли материаллар, қурилиш материаллари ва бошқаларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикасида фойдали қазилмалар кадастрини юритиш тартиби

Фойдали қазилмалар давлат кадастрини юритиш Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси конлари, фойдали қазилмалари нишонлари ва техноген ҳосилаларининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 26.05.1997й. №258 сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат кадастрлари ягона тизимини ташкил этиш ҳамда уни юритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 255-сонли қарори асосида ташкил этилган.



Тушунчаси




✦ Фойдали қазилмалар давлат кадастри – конлар, фойдали қазилмалар нишонлари ва техноген ҳосилалар объектларининг қисқача умумлаштирилган маълумотлар тўпламидан иборатдир.

Мақсади

Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалар давлат кадастри республиканинг минерал хом ашё ресурслари ҳолатини баҳолаш, ер ости бойликларини геологик ўрганиш бўйича ишларни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишни таъминлаш, конлар, фойдали қазилмалар нишонларининг асосий маълумотлари ва техноген ҳосилалар объектларини ўрганиш ва баҳолаш учун мўлжалланган.

GIS - geographic information system




Spatial data



Descriptive data



Фойдали қазилмалар давлат кадастрининг маълумотлари таркиби




- ✦ Объектнинг географик ва маъмурий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, асосий ва улар билан биргаликда жойлашган фойдали қазилмаларнинг миқдор, сифат таркиби ҳамда уларда мавжуд бўлган фойдали ва зарарли компонентлар, конларни қазишнинг геологик-иқтисодий, кон-техника, технологик, гидрогеологик, экологик ва бошқа шароитлари ҳақидаги маълумотлар.

Фойдали қазилмалар кадастри хужжатларини тузиш ахборот манбаалари

- ✦ Геологик суръатга олиш, қидириш, муҳандислик-геологик, гидрогеологик, геоэкологик, тематик, илмий-тадқиқот ишлари ва ер ости бойликларини ўрганиш бўйича ишлар натижалари тўғрисидаги тасдиқланган ҳисоботлар;
- ✦ Минерал хом ашёнинг технологик синовлари натижалари тўғрисидаги ҳисоботлар;
- ✦ Қазиб олувчи корхоналарнинг техноген ҳосилаларнинг юқори даража хавfli объектлари тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган йиллик ҳисоботлари;
- ✦ Фойдали қазилмалар захиралари баланслари;
- ✦ Минерал хом ашё ва фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш бўйича баёнлар, шунингдек захираларни ҳисобдан чиқаришга доир материаллар;
- ✦ Геологик материаллар, сейсмоактивлик, сел хавфи, хавfli геологик жараёнлар, аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Фойдали қазилмалар давлат кадастри объектлари:



- Рудали фойдали қазилмалар конлари;
- Рудасиз фойдали қазилмалар конлари;
- Сочма конлар;
- Радиоактив хом ашё конлари;
- Кўмир ва ёнувчи сланецлар конлари;
- Нефт ва газ конлари;
- Рудали фойдали қазилмалар нишоналари;
- Рудасиз фойдали қазилмалар нишоналари;
- Радиоактив хом ашё нишоанлари;
- Техноген ҳосилалар объектлари.

ФҚДКни юритиш тартиби


Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари давлат кадастрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси хузуридаги Давлат геология фонди фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва ер ости бойликларини геологик ўрганиш ишларини амалга оширувчи корхоналар (ташкилотлар) тақдим этган дастлабки маълумотларни тўплаш, ҳисобга олиш ва тартибга солиш асосида юритади.

ФҚДКнинг асосий вазифалари


-
- ✦ Қуйидагилар Фойдали қазилмалар давлат кадастрини юритиш бўйича Давлат геология фондининг асосий вазифалари ҳисобланади:
 - ✦ паспортларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва сақлаш;
 - ✦ ҳисобга олиш объектлари каталогини юритиш;
 - ✦ ҳисобга олиш объектларининг рўйхатдан ўтказиш карталарини юритиш;
 - ✦ конлар, фойдали қазилмалари нишонлари ва техноген ҳосилалари давлат кадастрини тўплаш, ҳисобга олиш, тартибга солиш ва сақлаш.


ФҚДЖни юритиш тамойиллари

- ✦ *республиканинг барча ҳудудларини тўла қамраб олиши;*
- ✦ *марказлашган раҳбарлик;*
- ✦ *кадастр маълумотларини қайта ишлаш ва тақдим этишининг бирлиги;*
- ✦ *кадастр ахборотлари тизимининг ер кадастри асосида шаклланиши;*
- ✦ *автоматлаштирилган инфор­ма­цион технологияларни қўллаш;*
- ✦ *маълумотларнинг объективлиги, тўлаллиги, аниқлиги ҳамда ҳаққонийлиги;*
- ✦ *маълумотларни тўлдирлиши ва янгиланишининг узлуксизлиги;*
- ✦ *маълум чегараланган фойдаланувчилардаги мавжуд маълумотларнинг махфийлиги.*




Window 2-Isometric View
















Эътиборларингиз учун раҳмат!

